

Шайх Алижон қорининг Ҳазрат ҳақларидаги хотираларини кўриб ёзилган изоҳ



17:19 / 20.09.2023 2270

Маълумки, фазилатли **шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф** роҳимаҳуллоҳнинг ибратли ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилувчи «**Ҳазратни хотирлаб**» кўрсатувиغا билдирилган энг яхши изоҳ учун танлов эълон қилинган эди. Islom.uz порталининг YouTube саҳифаси орқали «Ҳазратни хотирлаб» кўрсатувининг устоз, **шайх Алижон қори Файзуллоҳ махдум** ўғли иштирок этган сонига ёзилган изоҳни сиз азизларга тақдим этамиз:

«**Ҳазратни хотирлаб**» силсилавий кўрсатув жуда ҳам манфаатли бўляпти. Шайх Алижон қори билан бўлган кўрсатув сонини томоша қилиб, ўзимга кўплаб ижобий хулосалар чиқардим. Ҳазрат ўз замонасининг етук шахси бўлганларини тушундим. Барча ишлари суннатга мувофиқлигини, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашганларини англадим.

Мен шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларини жуда кеч таниганман. Вафот этган кунлари улар ҳақида эшитгандим. Ҳазратни қандай инсон бўлганларини дадамдан эшитиб, у кишини кўрмасдан яхши кўриб қолгандим. Кейин уларни расмларини кўрдим, маърузаларини эшитдим, китобларини ўқидим. «Исломга бағишланган умр» ҳужжатли фильмини кўриб, ҳазратни янада яқиндан танидим. Ҳазрат тухматга қолганларида Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳ ҳам тухматга қолганлари хаёлимдан ўтганди. Кейин барча етук шахслар шундай тухмат синовидан ўтадилар шекилли, деган ўй пайдо бўлганди. Ҳазрат юртимизга холис Аллоҳ учун хизмат қилдилар. Яқинда у киши юртбошимиз томонидан «Олий даражали Имом Бухорий» ордени билан тақдирланганларини кўриб жуда хурсанд бўлдим. Нафақат мен, балки барча мусулмон олами хурсанд бўлган бўлса керак. Ҳазратнинг китобларини доим ўқишга ҳаракат қиламан. Бу китоблар биз учун бир неъматдир. Уларни барчасини ўқиган инсон илм даражасида юқори чўққиларга эриша олади деб ўйлайман. Ҳазратнинг ҳаётлари ҳақиқий исломга бағишланган умр...

Ислом учун фидо қилинган умр..

Мен бир китобда ўқигандим. Аллоҳ бир бандасини яхши кўрса, барчага у инсонни севдириб қўяди. Барча инсонлар у инсонни яхши кўриб қолади.

Бу дунёда шундай буюк инсонлардан бири — шайх ҳазратларини кўриш менга насиб этмади. Аллоҳ таоло насиб қилса, шундай буюк инсоннинг фарзандлари бўлмиш устоза Одинахон Муҳаммад Содиқ билан кўришиш шарафига муяссар бўламан.

Аллоҳ таоло барчамизга жаннатда шайх ҳазратларини кўришни насиб айласин.

Йиллар сизни биздан айро этолмас.

Ҳазратим ўрнингиз ҳеч ким босолмас».

Ҳадичахон Қодирова